2010 йил 30 июль, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 147 (11.708) | Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

**«Тўқимачи-Ангрен» электрлаштирилган темир йўл линияси фойдаланишга топширилди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастури бу борадаги ишлар сифатини янада яхшилашга қаратилган. Буни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат - акциядорлик темир йўл компаниясининг кўп қиррали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 18 мартда қабул қилинган «2009-2013 йилларда Темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг комплекс дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

... Пойтахтимиздаги «Шимолий» темир йўл вокзали байрамона безатилган. Бу ерга «Тўқимачи-Ангрен» электрлаштирилган темир йўлини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали тадбирда иштирок этиш учун кўплаб меҳмонлар йиғилган. Темирйўлчилар ва жамоатчилик, маҳаллий ҳокимият органлари ва дипломатик корпус вакиллари йўловчи поездида «Ангрен» станцияси сари йўл олади.

Улар «Тўқимачи-Ангрен» темир йўл линияси участкасини электрлаштириш» лойиҳаси доирасида темир йўл бўйлаб барпо этилган иншоотлар билан танишди.

2002 йилда Германиянинг ривожланиш банки (KfW) ва Қувайтнинг Араб иқтисодий ривожланиш жамғармасининг кредит маблағлари, шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси маблағлари жалб қилинган ҳолда, «Тўқимачи-Ангрен» электрлаштирилган темир йўл линияси объектини қуриш бошланган эди. Қурилишнинг умумий қиймати 85,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Лойиҳадан кўзланган мақсад ушбу участкада мавжуд дизель ёнилғисида ҳаракатланадиган локомотивларни ўзгарувчан токда ишлайдиган электр локомотивларга алмаштиришдан иборатдир. Бу Тошкент ҳудудидаги барча темир йўл линияларини электр локомотивларга ўтказиш ишларининг якуни ҳисобланади. Эндиликда мазкур линия бўйлаб дизель локомотивлар ўрнига замонавий электровозлар чиқади. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси шу мақсадда 13 та энг янги тезюрар поезд — экспресс сотиб олди.

*(Давоми 2-бетда).*

**Ўзбекистон тарихий обидалари, маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан кўп сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎзА мухбирлари пойтахтимизда сайр қилиб юрган сайёҳларнинг таассуротлари билан қизиқди.**

**Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида**

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ЖУДА ЮҚОРИ

**Со Чанг ХА (Жанубий Корея):**

– Тошкентга тўрт йил аввал хизмат юзасидан келиб, ишбилармонлар форумида иштирок этгандим. Юртингиз ташқи дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётир. Мамлакатингизнинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон – истиқболи порлоқ мамлакат. Шуни алоҳида айтиш жоизки, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга, аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётир. Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради.

**Блас ВАРГАС (Испания):**

– Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминдаги осойишта ва фаровон ҳаёт, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Тошкент ва Самарқандда одамлар билан мулоқот қилдим. Улар ўз ҳаётидан жуда мамнун. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, миллий ва замонавий услубни уйғунлаштирган кўплаб маҳобатли бинолар мени лол қолдирди.

Ўзбекистонда қулай сармоявий муҳит, чет эллик ишбилармонлар учун катта имконият ва имтиёзлар яратилган. Бунинг тасдиғини Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқалари кенгайиб бораётганида, кўп сонли давлатлар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин. Бу жараёнда испаниялик ишбилармонларнинг янада фаол иштирок этишини истардим.

**Дип РАНГАН (Ҳиндистон):**

– Юртингизда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бораман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона иқтисодий сиёсат боис Ўзбекистон ҳар томонлама изчил ривожланмоқда.

Ушбу муқаддас заминда камолга етган буюк мутафаккирлар ўзининг бой илмий-маънавий ва маданий мероси билан дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Уларнинг эзгу ишларини бугунги авлод муносиб давом эттирмоқда.

Ўзбекистон халқининг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч-осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Буларнинг барчаси хорижликлар эътиборини тобора оширмоқда. Ўзбекистонга бир келган одам яна келишни орзу қилади.

**Иззат АМИР (Малайзия):**

– Ўзбекистонга кўп келганман. Ҳар гал иқтисодиёт, маданият, таълим, сайёҳлик, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда рўй бераётган улкан ўзгаришлардан ҳайратланаман. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилаётган беқиёс ишларга таҳсинлар айтса арзийди.

Ўзим Кота-Бару шаҳридаги мактабда тарих фанидан дарс бераман. Ўзбекистондаги лицей ва коллежлар билан танишиб, таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор самараларига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури мукаммаллиги билан ажралиб туради. Яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда юқори. Бу ҳам таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасидир. Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотда бўлиб, мамлакатингиз келажаги янада порлоқ эканига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

**Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА суҳбатлашди.**

**ЎЗБЕКИСТОН — ГРЕЦИЯ:**

## ҲАМКОРЛИК МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Сўнгги йилларда Греция жамоатчилиги орасида Ўзбекистонга, унинг тарихи, маданияти, анъаналари ва бугунги ҳаётига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани кузатилмоқда.**

Грециянинг таниқли илмий-академик ва ишбилармон доиралари ташаббуси билан ташкил этилган, икки мамлакат халқлари ўртасида анъанавий тарзда ривожланиб келаётган дўстликни янада чуқурлаштириш ва маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи «Греция — Ўзбекистон дўстлик жамияти»нинг фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам бу фикрнинг яққол далили бўла олади.

Яқинда бўлиб ўтган таъсис йиғилишида жамиятнинг Низоми тасдиқланди ва бошқарув органи сайланди. Жамиятнинг асосий вазифалари сифатида маданиятлараро алмашинувни қўллаб-қувватлаш ва чуқурлаштириш, икки халқ ўртасида биргаликда дўстлик ва бирдамлик тадбирларини амалга ошириш, ҳамкорликда маданиятлар алмашинуви соҳасидаги дастурларни ҳамда Греция ва Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий марказларига саёҳатлар уюштиришни ташкил этиш каби масалалар белгиланган.

"Греция — Ўзбекистон дўстлик жамияти"нинг раиси этиб грециялик таниқли тадбиркор, «European Profiles S.A.» компанияси президенти, Ўзбекистоннинг қадрдон дўсти Димитрис Баколас сайланди. Д.Баколас узоқ йиллар давомида Тошкентда яшаган. Киев университетини "Компьютер линвистикаси" мутахассислиги бўйича тамомлаган Д.Баколас ушбу соҳа бўйича мамлакатдаги етакчи муассасалардан бирига айланган Греция ишлаб чиқарувчилари марказининг Ахборот технологиялари институтига асос солган. У Европа Иттифоқининг турли эксперт гуруҳлари аъзоси, Молдова, Сербия, Украина ва Россия ҳукумат идоралари консультанти, шунингдек, кўплаб илмий нашрлар муаллифидир.

Д.Баколас Ўзбекистон парламенти аъзоларига турли соҳалар бўйича янги замонавий қонунчилик тизимини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти – Олий Мажлиснинг ўзаро самарали ҳамкорлик механизмини яратишда яқиндан кўмак берган. У мамлакат раҳбариятининг демократик, ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги сиёсий йўналишини юксак баҳолайди.

— Миллий қонунчиликнинг умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва демократия тамойилларига мос равишда мукаммаллашиб бораётганига Президент Ислом Каримовнинг қонунчилик ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ёрқин мисол бўла олади, — деб таъкидлади Д.Баколас.

У бошқараётган «European Profiles S.A.» компанияси Европа Иттифоқининг турли дастурлари доирасида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш бўйича қатор лойиҳаларини амалга оширган.

**«Жахон» АА,**
Афина

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги 133-мактаб қошида ташкил этилган «Камалак» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Боланикнинг манзили Ўзбекистон» шиори остида тадбир ўтказилди.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги «Гулбаҳор» оромгоҳида туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан стол тенниси, шашка, волейбол, футбол бўйича мусобақалар ҳамда «қувноқ стартлар» ташкил этилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** тадбиркорлар, банк соҳаси мутахассислари иштирокида микромолиялаштириш тизими ривожида қонун устуворлигига риоя қилишнинг аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Республика Адлия вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда мустақилликка эришилгандан кейин мамлакатимизда қўлга киритилаётган беқиёс ютуқлар, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ошиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилди.

• Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан «Экологик ва тиббий йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мамлакат ва минтақадаги экологик вазиятни яхшилашдаги ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ушбу тадбирда Ҳаракатнинг ярим йиллик фаолияти якунлари ва келгуси режалари муҳокама қилинди.

• Китоб туманидаги «Макрид» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Чимбой қишлоғи аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлади. Бу ишлар учун 70 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

• Кегейли туманида бўлиб ўтган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Туман марказидан анча олисда жойлашган «Қозонкетган» посёлкасида ўтказилган тадбирда 24 ташкилот ва корхона, фермер хўжаликлари юздан зиёд бўш иш ўрнини таклиф этди. Турли касб-ҳунар бўйича олий ҳамда ўрта махсус маълумотга эга ёш мутахассислардан 71 нафари ўзлари учун маъқул иш бўйича меҳнат шартномаси тузди.

• Навоий вилояти марказидаги истироҳат боғида 2400 ўринга мўлжалланган амфитеатр қурилиши бошланди. Унинг қурилишини тендер савдосида вилоятдаги энг йирик қурилиш фирмаларидан бири бўлмиш «Темур Малик» масъулияти чекланган жамияти ютиб олди.

• «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

• Араб давлатлари лигасининг Коҳира шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида ушбу ташкилот таркибига кирувчи мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари 2008 йилдан буён тўхтаб қолган Исроил ва Фаластин ўртасидаги бевосита мулоқотларнинг қайта тикланиши маъқулланган резолюция қабул қилишди.

• Италияда ҳукумат инқирози юзага келмоқда. Кеча мамлакат бош вазири Сильвио Берлускони депутатлар палатаси спикери Жан Франк Фининнинг истеъфога чиқишини талаб қилди.

• Беш кундан буён Грециядаги автоцистерналар ҳайдовчиларининг умумий иш ташлашлари давом этмоқда. Кеча иш ташлаганлар томонидан машиналар ёрдамида беркитилган кўчаларнинг очилишини талаб этган полициячилар билан тўқнашувлар бўлиб ўтди. Намойишчиларни тарқатиш учун полиция кўздан ёш оқизувчи газларни қўллашга мажбур бўлди. Ушбу иш ташлаш мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини издан чиқариши мумкин.

• Воронежда давом этаётган кучли ўрмон ёнғинларини ўчириш жараёнида беш киши ҳаётдан кўз юмди, юзга яқин одам турли даражадаги жароҳат олди. Бир ҳафта ичида ёнғин минг гектардан ортиқ ўрмонни куйдириб кул қилди. Кучли шамол ва жазирама иссиқ ёнғинни буткул ўчиришга халал бермоқда.

• Афғонистон шарқида икки нафар АҚШ аскари гаровга олинган. Маълумотларга кўра, «Толибон» гуруҳи аскарларни ўғирлаганини бўйнига олган. Улар гаровга олинганларни Лохар музофотида ушлаб туришибди.

• Канаданинг Манитоба музофотида олиб борилган палеонтологик қазиш ишлари пайтида Ксифактин номли улкан балиқнинг қолдиқлари топилди. Мутахассислар томонидан балиқнинг ёши 80 миллион йилга тенг эканлиги айтилаётган бўлиб, текширувлар натижасида 6,5 метр узунликдаги сув ости жонзотининг йиртқичлар турига мансублиги маълум бўлди.

# МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Лойиҳани амалга оширишда, деб хабар беради ЎзА, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг электр таъминот маркази, Тошкент электр таъминот дистанцияси, сигнализация ва алоқа маркази, йўл хўжалиги бошқармаси, Тошкент йўл дистанцияси каби бўлинмалари катта ҳисса қўшди. Участка бўйлаб энг янги технологиялар – SKADA масофадан туриб бошқариш, алоқа тармоқлари, тортиш кичик станциялари, микропроцессорли марказлаштириш, электрон ҳисоблаш ва телекоммуникациялар тизимлари жорий этилди. Электр таъминот тизими соатига 160 километр тезлик билан юрадиган поездлар ҳаракати ҳисобга олинган ҳолда барпо этилди.

Қурилиш давомида умумий узунлиги 265 метрлик учта кўприк, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган, замонавий ускуналар ва назорат аппаратураси билан жиҳозланган кичик электр станциялар, навбатчи пунктлар ҳамда марказлаштирилган электр постлари учун 2258 электр тиркагич, 6 бино ва иншоот барпо этилди. Барча қурилиш-монтаж ишлари белгиланган муддатда тўлиқ якунланди.

Натижада Тошкент ҳудудий темир йўл узелининг 114 километр узунликдаги қолган ягона участкаси ҳам электрлаштирилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши эксплуатация харажатларини 1,8 баравар камайтириш, ҳудудда экологик аҳволни яхшилаш ва қўшимча 50 иш ўрни яратиш имконини беради. Янги электрлаштирилган участка йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, юк ва йўловчиларни ташиш вақтини қисқартириш, компанияда дизель ёнилғиси сарфини камайтиришга ёрдам беради.

... Поезд «Ангрен» станциясига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларни карнай-сурнай садолари, гуллар билан кутиб олди. Станция реконструкция қилингандан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этди. Бу ерда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонлар станцияни кўздан кечиргач, тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси бошқаруви раиси О.Раматов компания эришаётган ютуқлар Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори самараси эканлигини алоҳида таъкидлади. Истиқлол йилларида компания жадал ривожланди. Янги темир йўл линияларини қуриш, йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракат таркибини модернизация қилиш, тезкор транспорт телекоммуникацияларини ташкил этиш компаниянинг келгусидаги фаолиятида ҳам устувор йўналишлар бўлиб қолади.

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ 1994 йилда ташкил этилган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси мамлакатимизнинг асосий транспорт бўғини сифатида иқтисодиётимизни ягона тизимга бирлаштириш йўлида хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз темир йўллари тармоғининг умумий узунлиги 6020 километрдан ошади, жумладан, умумфойдаланиладиган йўллар узунлиги 4230 километрни ташкил қилади. Юк ва йўловчи ташиш ҳажми йил сайин ортиб бораётир ва бу мамлакатимиз темир йўл тармоғини комплекс ривожлантиришга хизмат қилмоқда.




Бугунги кунда темир йўл компанияси юк ва йўловчи ташиш вагонлари ҳамда локомотивларни таъмирлаш бўйича замонавий базага, кенг тармоқли инфратузилмага эга. Халқаро молия институтларининг темир йўл тармоғи фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтираётган маблағларини жалб қилган ҳолда босқичма-босқич йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тантанали маросимда қурилиш, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, соҳа фахрийлари сўзга чиқиб, барчани ушбу муҳим воқеа муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаев иштирок этди.

**Виктор НИКОЛАЕВ**

---

**Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонунининг 2009 йил 1 октябрдан кучга кириши билан электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш тизимига бир қатор ўзгаришлар киритилди.**

# ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Энди электр энергияси бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъмол этилиши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар сифатида қабул қилинди. Шунингдек, ушбу қонунда электр энергияси истеъмолчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб берилди. Унга кўра истеъмолчи ўз электр қурилмаларини ҳудудий электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлган электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш; ўзи истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларини ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган тартибда киритиш; ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси томонидан электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган электр энергияси етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши; электр таъминоти шартномасини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун судга ёки бўйсинув тартибида юқори турувчи органларга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Электр энергияси истеъмолчилари мажбуриятларига эса қуйидагилар киради: электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш тартибига риоя этиши; фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда тўлаши; ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текширишига йўл қўйиши; электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириши; ўзи фойдаланаётган электр тармоқлари, асбоб ва ускуналарининг лозим даражадаги техник ҳолати ҳамда хавфсизлигини таъминлаши, уларнинг носозликлари тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига хабар қилиши шарт.

**Алишер ҒАНИЕВ,**
**«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори**

---

**Люксембург университетида Ўзбекистонда «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг амалга оширилиши, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, яратилган сармоявий муҳит ҳамда мустақиллик йилларида эришган ютуқларига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

# ЛЮКСЕМБУРГДА «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тадбир мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан Люксембург молиявий технологиялар трансферти агентлиги (МТТА) ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ушбу мамлакатнинг расмий, иқтисодий ва илмий доиралари, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда МТТА вакиллари қатнашди.

Тақдимот чоғида иштирокчиларга «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг ижроси, демократик, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, сармоявий муҳит ҳамда хорижий самроядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилди. Тадбирда айнан «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида Ўзбекистон Банк-молия академиясининг тингловчилари МТТА томонидан ташкил этилган ўқув курсларида иштирок этишгани қайд этилди.

Маросим қатнашчиларининг эътибори хорижий сармоядорлар ва тадбиркорлар учун мислсиз солиқ ва божхона имтиёзлари берилган «Навоий» эркин иқтисодий-индустриал зонаси фаолиятига жалб этилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Банк-молия академияси тингловчилари мамлакатимизнинг банк-молия тизими, жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш ва енгиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган тақдимот маросимини ўтказишди.

Иштирокчилар ўзбек халқининг тарихий мероси, анъаналари ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига катта қизиқиш билдиришди.

Хусусан, Люксембург молиявий технологиялар трансферти агентлиги миллий дастурлари директори Жози Тииз тақдимот давомида эътиборга ҳавола этилган маълумотлар Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўсиб келаётган авлод тарбиясига жуда жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беришини таъкидлади. «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида у жумладан, «олиб борилаётган бундай сиёсат демократия тамойилларига асосланиб ривожланаётган Ўзбекистон давлатининг порлоқ келажагига бўлган ишончни янада оширади, шунингдек, ушбу мамлакат банк-молия тизимини ривожлантириш борасида ўзининг пухта режасига эга ва бу ишда ёш авлодга алоҳида эътибор қаратилмоқда», дея таъкидлади.

— Биз таълим ва Ўзбекистоннинг банк ва молия тизими вакилларининг малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёрмиз ва шундай бўлишига ишонамиз. Шу йилнинг август ойида Люксембург университетида Ўзбекистон Банк-молия академиясининг ўн нафар тингловчиси таҳсил олади. Ўзбекистон Банк-молия академияси билан ҳамкорлигимиз ривожланиб бораётганидан хурсандмиз ва банк-молия тизимидаги Европа тажрибасини ўзбекистонлик дўстларимиз билан ўртоқлашишга тайёрмиз. Бизнинг мутахассисларимиз тез-тез мамлакатингизга боришиб, Банк-молия академияси тингловчилари билан тренинглар ўтказиб келишади. Шу маънода, муассасаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик улкан аҳамият касб этади, — дея якунлади сўзини Ж.Тииз.

Молия масалалари бўйича «Klienbart» консалтинг компанияси бошқарувчиси Паул Клийнбарт шу йил апрель ойида Ўзбекистонда бўлгани ҳақида гапирди. У ўз сафари чоғида мамлакатимизнинг банк тизими вакиллари ҳамда Ўзбекистон Банк-молия академияси тингловчилари билан учрашишга муяссар бўлганини айтди.

— Тингловчиларнинг билим даражаси мени лол қолдирди. Уларнинг ёши ҳали кичик бўлишига қарамай, аксарияти бугунги кунда нафақат банк тизимида фаолият юритишга, балки тегишли бошқарманинг бошлиғи вазифасини ҳам бажаришга тайёр, — деди П.Клийнбарт. – Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, Ўзбекистон ҳукумати ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш ишига катта эътибор қаратмоқда, мамлакатда ёш авлоднинг келгусида жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллаши ва Ватанининг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**«Жаҳон» АА,**
**Люксембург**

---

Соғлом она — соғлом бола

# ОИЛА ФАРЗАНД МЕҲРИ БИЛАН МУСТАҲКАМ

**Жамиятнинг ажралмас бўғини ҳисобланмиш оиланинг муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш ҳақида халқимизда кўп ҳикматлар битилган. Оила шаънини сақлаш эса ўчмас қадриятларимиздан биридир.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг ортида ягона мақсаддир – соғлом оилада соғлом фарзанд дунёга келади, келажак наслар бардавом бўлади.

Ҳозирда ёшларнинг бахтли, тотув оила қуриши, фарзанд тарбиялаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун барча шароитлар бисёр. Ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш йўлида спорт билан шуғулланишига имкониятлар мавжуд. Бу борада «Оила қурувчилар мактаби» машғулотлари алоҳида ўрин тутади. Турли соҳа мутахассислари, олимаю шоираларнинг бу машғулотларда иштирок этиши ўғил-қизларимизнинг нафақат саводхонлигини, балки дунёқарашини ҳам кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўз иш тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, афсуски, айрим ёшлар оила қуришда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибатлари ҳақида ўйламайди. Бу эса биринчи галда жисмонан нуқсонли фарзанд туғилишига қўйилган нотўғри қадамдир.

Бир куни улкан орзулар билан оила аталмиш бахт қасрига қадам қўйган ёш йигит-қизнинг маҳзун чеҳрада никоҳини бекор қилишимизни сўраб келгани кечагидек ёдимда. Сабаби, улар опа-сингилнинг болалари бўлиб, уч йил илгари ота-онанинг қистови билан турмуш қурган, фарзандли бўлиш, оталик-оналик бахтини кўришдек севинчдан боши осмонга етган экан. Аммо, афсуски, бу ёш оилага чақалоқ хурсандчилик эмас, бир умрлик армон ва ўкинчни олиб келган. Шифокорларнинг уринишига қарамай, туғилган бола вақти келиб на юра, на ўтира олган. Бироз ўтгач шу аёл яна фарзанд кутган. Уч йил ичида иккинчи фарзанд ҳам дунёга келади, аммо у ҳам ногирон туғилади. Бир ўғил ва бир қизнинг ота-онаси бўлиб, қариндошлик риштасини маҳкам ушлаган бу ёшларни, қарангки, тақдир яна бир зарбага рўпара қилади. Уларнинг ота-оналари аввалига ногиронлик сабабларини жуда узоқдан қидиришган, аммо оҳир-оқибат тушуниб етишган...

– Набираларимни кўрсатмаган шифокор, олиб бормаган узоқ-яқиндаги шифохоналар қолмади, — деди юм-юм йиғлаб М.Исломова. — Лекин фойдаси йўқ, даволашнинг натижаси кўринмаяпти, биз, катталарнинг хатоси туфайли фарзандларимнинг бир умр азоб чекишини ўйласам... Энди кеч. Оиламиз бузилди, қариндош-уруғчилик ҳам йўқолди. Икки томон бир-бирини айблайди. Бундан кимга фойдаю кимга зарар...

Бундай нохуш ҳолатлар ҳозирга қадар оз бўлсада, учраб туради. Ҳаттоки бир оиланинг завол топиши жамиятнинг оғриқли нуқтасидир. Бунинг олдини олиш мақсадида бугун ёшларимизни оилага тайёрлаш, уларнинг мустақил ҳаётга маънавий-руҳий, жисмоний жиҳатдан тайёр бўлиши учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Юртбошимизнинг 2008 йил 18 июндаги «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилиши оқибатлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари йўлга қўйилди. Мутахассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг иккинчи бўлим, 16-моддасидан келиб чиққан ҳолда, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишган ва ўгай ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги, ака-ука ва опа-сингиллар, яъни ёнлама қариндошлар фарзандларининг ўзаро никоҳга кириши мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда соғлом муҳитни шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тўғри тарбиялаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида аҳолининг тиббий маданиятини оширишга катта аҳамият берилаётганлигини тўғри англаш лозим. Барча никоҳланувчи ёшлар тиббий кўрикдан ўтса, касаллик аниқланган тақдирда, ўз вақтида муолажа қилинса, бу соғлом оила гаровидир. Оилада тиббий саводхонликни ошириш натижасида оилаларнинг мустаҳкам бўлишига, ажримларнинг камайиши, нуқсонли фарзандлар туғилишининг олдини олишга эришилади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшлар бахтли ҳаёт кечириш ниятида даргоҳимизга ташриф буюради. Уларнинг чеҳрасидаги бахтиёрликни кўриб, дилинг ёришади. Бир умр шундай бахтиёр онлар сақланиб қолишини тилайсан. «Ўғиллик бўлдик, шунга гувоҳнома берсангиз», деб оталик бахтидан масрур турган ёш йигитлар, жажжи фарзандига меҳр билан боқаётган оналаримиз сафи асло камаймасин. Бахтингиз ўз қўлингизда, оила кичик бир Ватандир. Ватан ичра Ватанни асранг, деб қоламиз.

**Муяссархон ИСМАТУЛЛАЕВА,**
**Оила маросимлари маркази инспектори**

---

Қарор ва ижро

# КОРХОНАЛАРГА СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ

**Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳамда улардаги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва кенгайтиришга қаратилган бир нечта қарор ва фармонлар қабул қилинган.**

Жумладан, 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 2012 йил 1 январгача бўлган даврда рўйхати белгиланган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, яъни фойда солиғи ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - ягона солиқ тўлови, республика йўл жамғармаси - мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материаллар божхона тўловларидан озод этилди. Бунда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини 60 кунгача бўлган муддатда узайтириш кўзда тутилган.

Мазкур солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари худди шу товарлар ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга татбиқ этилиши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бу борада Собир Раҳимов туманидаги ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи «Кланд Кон Шарқ» хусусий корхонаси қарорда белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланмоқда. Ушбу корхона асосан табиий чарм кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда 14 киши иш билан таъминланган. Жорий йил биринчи ярим йиллиги бўйича бу ерда 243, 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, қарордан келиб чиққан ҳолда 19,5 миллион сўм ягона солиқ имтиёзларидан фойдаланилди. Қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзлари асосида иқтисод қилинган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш, корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилишга йўналтирилади.

Қарорга мувофиқ солиқ ва божхона имтиёзлари киритилган инвестицияларни қоплаш, шу жумладан кредитларни тўлашга ҳам йўналтирилиши белгиланган.

Бундан ташқари, агарда берилган имтиёзлардан мақсадга номувофиқ фойдаланилса, иқтисод қилинган маблағларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкцияларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ўтказилиши ҳам белгилаб қўйилган.

**Зафар САГАТОВ,**
**Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси юридик шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи ўринбосари**

# ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР



## Табиатнинг фойдали неъматлари

### ТАРВУЗНИНГ АЖОЙИБ ХОСИЯТИ

Ҳаммамиз севиб тановул қиладиган тарвуз фақат чанқовбосди хуштаъм полиз маҳсулоти бўлиб қолмай, ажойиб хосиятлари билан ҳам қимматли экан. Америкалик олимлар ҳатто уни «эркакларнинг дўсти» деб ҳам аташибди.

Аниқланишича, тарвуз ажойиб тарзда «Виагра»нинг ўрнини босаркан. Тиббиётчилар жинсий йўллари фаолияти бузилган эркакларга кўпроқ тарвуз тановул қилишни тавсия этишади. Гап тарвуз этида мавжуд бўлган моддаларда. Улар – цитруллин ва ликопинлардир. Ушбу моддалар эркакларнинг жинсий йўлларига ижобий таъсир этади ва «Виагра» дори воситасидан фарқли ўлароқ, ҳеч қандай акс таъсири йўқ.

Аксинча, тарвуз буйракларнинг тозаланишига ёрдам беради ва пешоб йўллари ва буйракларда тош пайдо бўлишининг олдини олади. Бунинг устига тарвузда бошқа яна кўпгина фойдали элементлар ва витаминлар бор.

### ПЕТРУШКА ҲАМ ДАРМОНДИР

Кашничсимон кўкатлардан петрушка бақалоқларга ёрдам бериб, уларни чаққон ҳаракатларга тайёрлайди. Бунда ҳеч қандай парҳезнинг ҳожати йўқ, петрушка дамламасини мунтазам ичиб туришнинг ўзи кифоя қилади.

Уни тайёрлаш жуда осон: янги узилган петрушканинг бир чой қошиғини майдалаб, устига қайнаб турган сувни қуйиш керак. Стакандаги дамламани 15 дақиқага қайнаб турган сувга қўйиб туриш керак бўлади. Қайнатмани икки ҳафта давомида одатий овқатланишлар оралиғида тановул қилиш тавсия этилади.

Петрушка пешобни ҳайдаш хусусиятига ҳам эга, шунинг учун ҳам у танадан ортиқча суюқликни чиқариб юборади. Дамламанинг қуюлтирилган концентрацияси ҳайз вақтида аёлларга яхши ёрдам беради. Унинг акс таъсирини ҳам ёдда тутиш лозим: ҳомиладор аёллар ва нефрит касали билан оғриган беморларнинг петрушкани ичишлари мумкин эмас.



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

## Дам олиш соатларида

### ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ: ИЖОДКОРЛИК РУҲИНИ СИНГДИРИБ...

Болакайлар учун ижоднинг ҳар қандай тури билан шуғулланиш ҳамиша қизиқарли бўларкан – зеро, ижоднинг асосида ҳамиша ўйин ётади.

Катта ёшдаги кишиларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга санъат оламини ўз жонидай кўрадиган, унга туғма эҳтиёж сифатида боғланиб қолганлар киради. Энг нафис мумтоз куйлар улар учун янграйди, музейлар улар учун ишлайди, энг яхши фильмлар улар учун суратга олинади.

Аммо шундай одамлар ҳам борки, улар гўё гўзаллик ҳиссидан маҳрум. Лекин бу маҳрумлик асло туғма эмас: шунчаки уларни санъатнинг сеҳрли олами билан вақтида ва тўғри таништиришмаган. Ваҳоланки, ижодий ўзлигини намоён этишга ҳавас ҳамма болаларда ҳам юриш ва гапиришга ўрганиш эҳтиёжи билан баравар пайдо бўлади. Педагог Унсин Қобилова шу ҳақда мушоҳада юритади.

Физиологларнинг таъкидлашларича, тасвирий санъатга онгли равишда қизиқиш ва уни тушуниш даври болакайларда уч-тўрт ёшлардан бошланаркан. Бироқ, бу – гўдаклар ранглар ва шаклларнинг фаҳмига етиб чизишлари керакмас, деган гап эмас, албатта. Боз устига, кичкиналигидан «ажи-бужи» нарсаларни чизишдан маҳрум этилган гўдак бошқа болалардан ривожланишда ортда қоларкан.

Психологлар илк расм чизиш қуроли сифатида оддий қаламдан фойдаланишни тавсия этишади. Чунки гўдак олдин шаклларни идрок этиб, кейин рангларни фарқлайди. Гўдак эгри-бугри чизиқларни чизиб, бу ойим ёки ўзим, деб айтганида ҳақиқатан ҳам ўша расмда у онасини ёки ўзини кўради.

Уч-тўрт яшар гўдаклар учун ижод жараёни қоғоз варағи ва бўёқлар ёки қаламлар билан чекланиб қолмаслиги мумкин. Бу ёшда гўдаклар яхши ривожланган макон тафаккурига эга бўлиб, алланарсаларни ясаб, қирқибгина қолмай, хилма-хил нарса — жониворларни лойиҳалаштиришади ҳам. Тўрт яшар болакайга қўлингизга тушган нарсалар (қути, қоғоз, бўёқлар, нарса ясаш учун пластилин)дан масалан уяли телефон ясашни таклиф этсангиз, сизнинг кўмагингизда у шунга ўхшаш бирон нарсани ясаб, у билан фахрланиб юради.

Психологлар, етти ёшгача болалар учун натижаси олдиндан дастурлаштириб қўйилган ясама нарсаларни бўяш ёки тайёр чизмаларни тақдим этиш унчалик маъқул эмаслигини таъкидлашади. Бу ёшда нусха кўчириш ёки такрорлаш ижод ғунчаларини ривожлантириш борасида ҳеч қандай натижа бермайди, ҳатто унинг қобилиятини бўғишга олиб келиши мумкин. Бу ишлар улардан каттароқ ёшдаги болаларда диққатни жамлаш каби қобилиятларни ўстиришда қўл келади.

Профессионал бадиий студияга болаларни тўрт ёшдан эрта олиб боришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, энг митти гўдаклар оналари кузатувида борадиган махсус студияларни танлаш керак. Улар турли музейлар қошида ташкил этилган бўлиши мумкин. У ерлардаги машғулотларда гўдак ўзини намоён этиши учун қизиқарли ва муҳими ёқимли муҳит билан бирга, музей деворлари, айниқса, санъат кошоналари алоҳида руҳига кўникма ҳосил қилади.

Болалигида шу ерларда бўлган одамни келажакда ҳам бу масканлар албатта ўзига тортади. Дарвоқе, жаҳон тасвирий санъати дурдоналари билан танишишни абстракциядан бошлаш маъқул, дейишади мутахассислар.Улар айниқса гўдаклик ёшида яхши қабул қилинаркан. Лекин бунга берилиб кетиш ҳам ярамайди – абстракцияларни ҳаддан зиёд кўраверишхали мустаҳкамланмаган бола руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин.

## Кутилмаган табиат ҳодисалари

### ҚАТТИҚ ИССИҚ ВА СОВУҚ ОҚИБАТЛАРИ

Ер юзида иқлим борган сари кутилмаган ҳодисалари билан ортиқча ташвишлар туғдирмоқда. Жанубий Америкадаги қатор мамлакатларда ғайритабиий совуқ туфайли 200 киши ҳалок бўлган. Ҳаво ҳарорати ўртача минус 23 даражагача совиб кетган.

Тана ҳарорати ҳаддан зиёд пасайиб кетиши натижасида олдинги ҳафта мобайнида Аргентинада 16 киши, Боливияда – 18, Парагвайда – 5, Бразилияда - 89, Перуда – 112, Чили ва Уругвайда икки кишидан ҳалок бўлишган. Боливия ва Перуда мактаблар кам деганда бир ҳафтага ёпиб қўйилган, дея аниқлик киритади Lenta Ru.

Йирик шаҳарларда шошилинч равишда дарбадар юрувчиларга бошпаналар ҳозирланган. Айниқса кам таъминланган оилаларга қийин бўлмоқда, деб ёзади агентлик, чунки улар кўпинча иситилмайдиган уйларда яшашади ва малакали тиббий ёрдам олиш имкониятлари йўқ. Парагвай ва Бразилия ҳукуматларининг маълумотларига кўра, мамлакатларнинг баъзи минтақаларида бир неча минг қорамол нобуд бўлган.

Электр ва газга талабнинг ошиб кетганлиги туфайли энергетика компаниялари ғоят қаттиқ танқислик остида иш юритишга мажбур бўлишмоқда. Аргентинада газ танқислиги қаттиқ сезилмоқда. Жанубий Америкага дастлабки совуқлар июль ойининг ўрталарида кириб келганди. Совуқ Антарктика оқими бунга асосий сабаб бўлди.

Шу кезлари Россиянинг талай минтақалари, шу жумладан Москва аҳолисини ғайритабиий жазирама қийин аҳволга солиб қўйди. Сўнгги икки ойдан бери давом этаётган иссиқ кунлар иқлимнинг глобал ўзгаришлари билан боғлиқ, дея хабар беради Россия ахборот агентлиги. Бундай иссиқ кунларнинг узоқ давом этиши бизда илгарилари ҳам, жумладан 1936 йилда ҳам содир бўлганди, дея ҳикоя қилади «Иқлим ва энергетика» дастури раҳбари Алексей Кокорин. — Бу — атмосфера кимёвий таркибининг инсон томонидан ўзгартирилишига қарши иқлимий тизимнинг қақшатғич жавоби, ҳақиқий кимёвий зарбасидир. Буни фақат одамлар қилгани юз фоиз исботланган, — дея тахмин қилади у.

Ғайриоддий жазирама қишлоқ хўжалигига салбий таъсир этишдан ташқари инсонлар саломатлигига ҳам таҳдид солмоқда. Ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд кўтарилиши юрак-қон томир касалликлари билан оғриганларни касалхоналарга жойлаштириш сонининг, шунингдек, ўлим ва бахтсиз ҳодисалар миқдорининг ошиб кетишига олиб келмоқда. Биз яшаётган кенгликларда ҳароратнинг ўзгарувчанлиги кўпайиб кетди, дея қайд этди Кокорин. Бу ҳолат Россияда ҳаво ҳарорати кескин пасайиб ёки кескин кўтарилиб кетиш ҳодисаларини кўп такрорланишига олиб келади.

Синоптикларнинг берган хабарларига қараганда, 23 июлдан 2-3 августгача Марказий Россия аҳолиси жазирама кунларни бошдан кечиради. Жумладан, Москвада ҳарорат 37 даражагача кўтарилгани аҳолини қаттиқ қийнаб қўйган.

## Тўрт йилликнинг асосий футбол жанги:

### ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Жанубий Африка Республикасида нақ бир ой давом этган шиддатли футбол мусобақалари, ишқибозларнинг эҳтиросли ҳайқириқлари, Қора Африка вувузелаларининг ари ғўнғиллашини эслатувчи тинимсиз янгроғи ортда қолганига ҳам анча бўлди. Илк таассуротлар аста-секин ўз ўрнини таҳлил ва мулоҳазаларга бўшатиб бермоқда.

Ҳа, ҳакамларнинг хатолари, намойишкорона заиф жамоаларнинг мундиалдаги иштироки, «катта кетган» фаворитларнинг юзлари шувут бўлгани... Бу бир жиҳатдан. Иккинчи томондан эса, устомонлик билан уюштирилган фитналар, илк бор футбол тожини кийган Испания термасининг ажойиб ўйини, Томас Мюллернинг шиддатли парвози, шон-шуҳрат чўққисини забт этган Диего Форлан ва Уэсли Снейдерларнинг ғаройиб ҳаракатлари...

Шунингдек, ишқибозларнинг кутилмаган «қилиқлари», ФИФАнинг молиявий рекордлари – хуллас, тўрт йилликнинг асосий футбол ҳодисалари – мундиални ташкил этган барча воқеа-ҳодисалар бутун дунё ишқибозларини ҳаяжонга солиб турди. Қуйидаги якуний рейтингда уларнинг энг муҳимларини тилга оламиз.

### ФУТБОЛ ТАРИХИДАГИ ИЛК ҒОЛИБЛИК ТОЖИ

Турнир бошланишидан олдиноқ Висенте дель Боске жамоасини асосий фаворитлардан бири деб аташганди. Испания термасида ўйинчилар танлови, холис айтганда, тарихда энг муваффақиятлиси бўлди – жамоанинг заиф жойи умуман йўқ эди. Бироқ, мундиалнинг бошланиши пиренейлик ишқибозларни озмунча ҳаяжон ва ташвишга солмади: бразилияликлар ва аргентиналиклар ажойиб ғалабалари билан ҳаммани қувонтириб турган бир пайтда испанлар Оттмар Хитцфельд пишитган швейцариялик чарм тўп усталарига ютқазиб қўйишди. Ишқибозлар кўз ўнгида улар ўшанда унчалик ишончли ва кучли кўринишмаганди.

Лекин чемпионат давомида ҳаракатлантирувчи қудрати Barselona ярим ҳимоячиларининг ажойиб дастасига таянган бўлиб, Хави – Андрес Иньеста жуфтлиги ҳал қилувчи беллашувларда тўхтатиб бўлмайдиган машинага айланди. Голландлар Йон Хейтинги майдондан чиқарилиб юборилишигача қаттиқ ташланишса ҳам рақибларидан заифликлари яққол кўриниб турди. Ўн киши бўлиб қолишганда эса, умуман сувга тушган нондай бўшашиб кетишди.

Шундай қилиб, испанларга илк бор олтин тожни «кийдирган» Иньестанинг голи ўйиннинг мантиқий натижаси эди. Испания ОАВлар маълумотларига кўра, олтин кубокни қўлга киритгани учун жамоа рўйхатига киритилган ҳар бир тўпсурарга 600 минг евродан тўлайди – шундай совринлар турнир олдидан эълон қилинганди. Бу – ғолиблик учун белгиланган совринларнинг энг қимматлиси ҳисобланади. Жумладан, аргентиналикларга чемпионлик унвони учун 510 минг евродан, инглизларга 450 минг, бразилияликларга атиги 180 минг евродан соврин белгиланганди.

### ТРАНСФЕР ҚИММАТИ УЧ БАРАВАР ОШДИ

Жаҳон чемпионатидаги омад ўйинчининг трансфер баҳосини бир зумда ошириб юборади ва унинг олдида жозибадор истиқбол йўллари очилади. Назарий жиҳатдан шундай дейишади. Аммо амалда ўзини намоён этиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шу жиҳатдан, масалан, Россиянинг МАСК командаси ярим ҳимоячиси Милош Красични эслаш кифоя. ЖАРдаги омадсиз чиқишлари бир неча суперклубларнинг сербга бўлган қизиқишини бир лаҳзада сўндирди-қўйди.

Лекин Германия терма жамоасининг 19 яшар ҳужумчиси Томас Мюллернинг эса нархи беқиёс ўсиб кетди. Боз устига, агент Пиус Миндернинг гувоҳлик беришича, унинг трансфер баҳоси камида уч маротаба – ўн миллиондан ўттиз миллион еврогача ошган. Бир йил муқаддам унча танилмаган ҳужумчи мундиалнинг асосий кашфиётига ва жамоасининг етакчисига айланди. У рақиблар дарвозасини беш бора ишғол қилиб, жаҳон чемпионатининг энг яхши ёш футболчиси деб эътироф этилди ва «Олтин бутси» билан тақдирланди. Шу тариқа афсонавий Герд Мюллернинг муносиб вориси пайдо бўлди.

### ЖАМОА СОВРИНДОР БЎЛМАСА ҲАМ...

Уругвай терма жамоаси совриндор учликка кира олмаган бўлса-да, жамоа сардори – 31 яшар Диего Форлан «Олтин тўп» соҳиби бўлди. 1982 йили расмий равишда таъсис этилган бу соврин беистисно медалларга сазовор бўлган жамоалар футболчиларига бериб келинарди. Фақат уругвайликлар сардоригина бу анъанани бузишга муваффақ бўлди – Форланга чемпионатда аккредитация қилинган журналистларнинг 23,4 фоизи овоз берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу қарорнинг тўғрилигига ҳамма тан берди. Atletico Madrid ҳужумчиси катта шов-шувлар билан тўртинчи ўринни эгаллаган ўз жамоасининг ҳақиқий етакчисига айланган ҳамда рақиблар дарвозасига бешта тўп киритиб, мундиал бош мергани шуҳратини испан Давид Вилья, немис Томас Мюллер ва нидерланд Уэсли Снейдер билан баҳам кўрганди.

**Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.**

## Фан оламида

### ЕР АТРОФИДАГИ ҚОРА МАТЕРИЯ

Фазовий аппаратларнинг ер атрофидаги парвозида улар тезлигининг ғайритабиий тарзда ошиб кетиши ҳозирги замон астрономия фани учун ечилмаган жумбоқлардан бири бўлиб келмоқда. Кўпчилик фазовий аппаратлар Ер яқинидаги маневрлар пайти назарияда таъкидланганидан анча юқори тезликка эга бўлишади. «Galileo», «NEAR» ва бошқа миссиялар муҳандислари айнан шу ҳодисага дуч келишган.

Мазкур ҳолатни изоҳлаш учун олимлар қора материя тушунчасини ишга солишади. У сайёрамиз яқинида галони вужудга келтиради, дея тахмин қилинади. Гало – бу объект атрофидаги нур таратувчи ҳалқадир.

Яқин-яқинларгача ушбу назарияга ишончсизлик билан қараб келинарди. Чунки бундай гало қора материяга доир кўп шартларни қалаштириб ташларди. Бунинг устига, мазкур фаразни текшириш усули ҳам мавжуд эмасди. Эндиликда олимлар бу муаммони ҳал этишди. Аниқланишича, қора материя галодан ўтаётганда фазовий аппаратни қиздириб юборар экан.

Мазкур фаразни ҳам текшириб кўриш учун олимлар олдинги фазовий парвозлар маълумотларини таҳлил этишни мақбул кўришди. Бу тадбир зондлар ҳарорати сайёрамиз яқинида қай тарзда ўзгариб борганини аниқлашга ёрдам беради.

## Қатралар

### БАҲОР ҚАЙТАДИ, АММО...

Шамолларнинг ишими бу ёки булутларники, ҳар ҳолда тоғ чўққисида бир донагина қизғалдоқ очилди. Тоғ ёнбағридаги қизғалдоқлар унга ҳавас билан қарар эди. Лекин тоғ этагидаги нимжонгина ранги заҳил қизғалдоқ ҳавас ўрнига ҳасад билан ундан кўз узмасди.

Бошқа қизғалдоқлар ял-ял ёнар, ҳасад ўтида ёнаётган қизғалдоқнинг ранги эса борган сари заъфарон бўлиб кетаётганди.

— Чўққидаги қизғалдоқ бизга қараганда қизилроқми? — дея қизғалдоқларнинг кўнглига қутқу соларди заҳил қизғалдоқ.

— Йўқ, бошқачалигини сезмадик, — дерди қўшни қизғалдоқлар ҳайрон бўлиб.

— Бизга тоғнинг сояси тушади, унга қуёш бирдай нур сочиб туради. У бутун дунёни томоша қилади, бизни тоғнинг ўзи тўсиб туради, — дея, ҳатто ўзини ўстираётган тоққа нисбатан бошқаларнинг нафратини қўзғатмоқчи бўларди.

Қўшни қизғалдоқлар ўзига ҳаёт бағишлаб турган тоғдан нафратланмасди, заҳил қизғалдоққа ғалати-ғалати қараб қўярди.

Шундаям ақл кирмади, ҳавас йўлига юрмади. Чўққидаги қизғалдоқни нафратга учратиш учун у ҳамма нарсага тайёр эди, лекин қилган ниятлари амалга ошмади. Борабора ўзи яккаланиб қолди. Аввал ҳасад ўти заҳил қизғалдоқнинг япроқ ва новдаларини ёндираётган бўлса, эндиликда бу аланга илдизларига ўтган эди. Яхшиямки, қизғалдоқлар оз умр кўради. Биринчи бўлиб чўққидаги қизғалдоқнинг япроқлари тўкилди. Унинг шамоллардан тўсадиган, аёвсиз ёмғирлардан яшириниадиган пана жойи йўқ эди. Шундай бўлсада, у янаги баҳор дунё билан яна юз кўришиш учун ишонч билан япроқларини шамолларга берди. Чунки шамол ва ёмғирларга қарши курашавериб, илдизлари мустаҳкам ва бақувват эди.

Бошқа қизғалдоқлар қатори заъфарон қизғалдоқнинг ҳам япроқлари тўкилди. Бироқ ҳасад ўти илдизларини куйдириб бўлган экан. Кейинги баҳорнинг юзини кўриш унга насиб қилмади.

### ДЕРАЗАДАГИ ДАРЧА

Уйга икки каптар умид билан уя қурганди. Она каптар тухум босиб ётар, ота каптар ташқаридан овқат таширди. Шу зайлда тухумлар ҳам етилди. Икки каптар кукулашиб жуда бахтиёр эди. Кутилмаганда уйнинг эгаси эшик-деразаларни маҳкам ёпиб, қаёққадир кетди. Аксига олиб ота каптар озуқа учун ташқарига чиққан эди, мана энди ичкарига йўл тополмаяпти. Полапонларнинг интизорлик билан кутганида ёпилганичи?

Бу уйнинг эшиклари кун ботгунча очиқ турарди.

Ота каптар дераза ёнига келди. Деразаларга мустаҳкам панжара ўрнатилган, игначалик тирқишини топиб бўлмасди. Она каптар ёпилган эшикка қараб безовталанди. Жуфти дераза ортида мўлтираб турар, она каптар уй ичида айланиб-айланиб, тухумлари ёнига қайтди. Вақт ўтаверди, бири ичкарида, бири ташқарида кутаверди. Уй эгасидан ҳамон дарак йўқ

Бу орада полапончалар ҳам тухумларини ёриб чиқди. Она каптарнинг ҳақиқий безовталиги шунда бошланди. Полапончаларни озиқлантириш керак. На жуфти кира олади, на ўзи чиқа олади. Ўзини панжарали деразаларга урди, чиқишнинг иложи бўлмади. Ота каптар қайта-қайта дераза ёнига келаверди.

Полапончалар чуғурлашиб, оғзини очар, она каптар қуруқдан-қуруқ гир айланарди.

Аста-секин полапончаларнинг чуғурлаши тиниб қолди. Чунки чуғурлашишга мажоллари йўқ, очликдан силлалари қуриётганди. Она каптарнинг кўз ўнгида учта полапончаси нобуд бўлди. Она каптар уясига бормай қўйди, учта полапончаларининг жасадларига қарашга юраги бетламасди. Дераза ёнига келиб, куну тун жуфтига қараб тураверди.

Ахири ёғочдан ясалган қалин эшиклар очилди. Уй эгаси борган манзилидан қайтиб келган эди. Ичкарини шамоллатиш мақсадида дераза ёнига бордию, ўлиб ётган она каптарни ва уядаги полапончаларни кўрди. Уйида тирик жон борлигини ўйламаганлиги учун ўзини гуноҳкор ҳис қилди. Бироқ бу гуноҳни қандай ювишни билмади. Ҳар қалай ғафлатдан уйғондими, панжаранинг тепа қисмини кесиб, деразадан кичкина дарча очди. Янаги йил келадиган каптарлар омон қолишини истади.

**Барно РУСТАМОВА**

# СПОРТ МАЖМУАСИДА — ЗАМОНАВИЙ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

**Энг улуғ ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида жойларда янги таълим масканлари, спорт мажмуалари фойдаланишга топширилмоқда.**



Ҳамза туманидаги «Янгиобод» спорт-соғломлаштириш мажмуасидаги сув ҳавзаси ҳам капитал таъмирдан чиқарилиб, барча шарт-шароитлар яратилгани ҳолда болажонлар ихтиёрига топширилди.

Сув ҳавзасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган Халқ таълими бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, ота-оналар давлатимиз томонидан эртамиз давомчиларига кўрсатилаётган эътибор, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб, бугунги кунда баркамол авлод тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси жаҳон майдонларида чемпионлик шоҳсупасини забт этаётган ўғил-қизлар тимсолида намоён бўлаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

— Мажмуамизда футбол, катта теннис, якка кураш, сузиш каби спортнинг еттита тури билан бемалол шуғулланиш мумкин, – деди спорт мажмуаси директори Ботир Зокиров. — Айниқса, таътил кунларида ҳар бир йўналиш бўйича 300 дан ортиқ болажон мунтазам шуғулланмоқда. Машғулотларни малакали мураббийлар ўтайди. Сув ҳавзасига келсак, 1999 йилда қурилган бўлиб, таъмирталаб бўлиб қолганди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан энди бутунлай қайта қурилди. Бу ишларга 350 миллион сўм маблағ сарфланди. Мажмуага яқин жойлашган еттита маҳалла болаларининг сузиш билан шуғулланишига барча имкониятлар яратилди. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, агарда болажоннинг у ёки бу спортга иқтидори, жисмоний тайёргарлиги етарли бўлса, бу ерда биринчи кўникмани олгандан сўнг спорт мактабига йўналтириш мумкин.

Мажмуада қилинаётган саъй-ҳаракатлар бесамар бўлмаётганини тарбияланувчиларнинг турли мусобақаларда юқори натижаларга эришаётганидан ҳам кўриш мумкин. 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида бокс бўйича шаҳар чемпионатида Шавкат Мирзажонов ва Дониёр Зокиров чемпион бўлгани фикримиз далилидир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Синглим Малика билан сузиш ҳавзасининг очилишини сабрсизлик билан кутдик, — дейди Муҳайё Саидова. — Бу ерга биз мунтазам қатнаймиз. Ёзнинг айни жазирама кунларида сузиш жон роҳати. Шундай шароитларни яратиб берганларга раҳмат. Келажакда профессионал спортчи бўлиш ниятим бор.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**
**Алексей Попов олган сурат**

---

**Футбол**

## ТАХМИНЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

**Мактаб ўқувчилари ёзги таътил кунларини мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар йили маҳаллалараро ташкил этиладиган «Футболимиз келажаги» турнири алоҳида ажралиб туради.**

«Истиқлол» спорт мажмуасида мазкур турнирнинг минтақавий босқичи 1998-1999 йилларда туғилган болажонлар жамоалари ўртасида ташкил этилди. Унда Андижоннинг «Қалдирғоч», Жиззахнинг «Хайробод», пойтахт вилоятининг «Дўстлик», Наманганнинг «Исфахон», Сирдарёнинг «Марказ» жамоаларига қарши тўп сурган шаҳримизнинг «Бешқайрағоч» жамоаси мутахассислар томонидан қилинган тахминни амалга ошира олди. Кўпчилик ушбу турнирда «Бешқайрағоч» жамоасини ғолибликка асосий даъвогар деганди. Дарҳақиқат, турнирга пухта ҳозирлик кўрган ҳамшаҳарларимиз барча учрашувларда муваффақият қозониб, якунда биринчи ўринни эгаллади. Турнирнинг кумуш медали наманганликларга насиб этган бўлса, жиззахлик ёш чарм тўп усталари учинчи ўринга сазовор бўлди.

---

**Бокс**

## ОЛТИН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

**Украинанинг Мариуполь шаҳрида бокс бўйича уюштирилган халқаро турнир мамлакатимиз терма жамоасига муваффақият келтирди.**

Ҳамюртларимиздан 51 килограмм вазнда Жасур Латипов, 64 килограмм вазнда Санжар Раҳмонов ҳамда 91 килограмм вазнда Мирзоҳид Абдуллаевларга тенг келадиган рақиб топилмади. Озарбойжон, Россия, Молдова, Грузия, Беларусь мамлакатларидан келган чарм қўлқоп усталарини енгa олган ҳамюртларимизга олтин медаллар топширилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан,** ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 18.01.2010 йилдаги №1-85/10 ижро ҳужжатига асосан, Бектемир тумани Ҳ.Бойқаро кўчасидаги Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 30Т4585 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 7 523 820 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 7 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 7 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 28 сентябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек 2010 йил 24 август куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Яккасарой тумани СИБ томонидан, ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 11.12.2008 йилдаги №2-70, 2907 ижро ҳужжатларига асосан УК «Газчитранс» корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**1.** «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18S0002 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 37 235 413,66 сўм ва унинг «Trailors 383FL1A» русумли, д/р 18C210 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 32 519 406,23 сўм. **2.** «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18H0471 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 35 188 302,93 сўм ва унинг «Fruehauf» русумли, д/р 18C320 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 32 361 568,25 сўм. **3.** «Fruehauf» русумли, д/р 10G059 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 30 684 659,32 сўм. **4.** «Камаз 5320» русумли, д/р 18AE862 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 770 649 сўм. **5.**«Камаз 53212» русумли, д/р ва и/ч номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 034 071,84 сўм.

**- «Шаркли мелиса» МЧЖга қарашли (Мўйноқ) жарима майдончасида сақланаётган: 6.** «Камаз 53212» русумли, д/р 18S7789 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 373 303,16 сўм. **7.** «ЗИЛ 130-ГБА СПГ» русумли, д/р 18N5076 бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 668 415,70 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 13 июль куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

*«Aktiv Invest» кредит уюшмаси 2010 йил 7 август соат 9.00 да Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Марказ-6 даҳасидаги 9-сонли ўрта мактабнинг мажлислар залида навбатдан ташқари умумий аъзолар йиғилишини эълон қилади.*

***Кун тартиби:***

*1) Лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилганлиги ва ликвидация қилиш тўғрисида эълон.*

*2) Тугатиш комиссияси аъзоларини танлаш.*

*3) Тугатиш комиссиясининг режасини тасдиқлаш.*

*Саволлар бўйича: Тошкент ш. Юнусобод тумани, Марказ-6 даҳаси, 88-уйга мурожаат қилинг.* ***Тел.: 234-73-99, 234-94-38, факс: 235-57-25.***

МЧЖ «FORT-TRANZIT»га берилган №0163338, 0481372, 0481374, 0502056, 0502057, 0502317, 0528673, 0528674, 0528676, 0528677, 0528680, 0528681, 0529176, 0607602, 0657204, 0657205, 0657206, 0657207, 0657209, 0657210, 0659004, 0698730 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 11.07.2010 йилдаги № 1-442/08-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Сергели тумани ЖИБ суди ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1996 йилда и/ч дав.бел. 30 J 5279 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 7 079 568 сўм. 2. 11.07.2010 йилдаги № 1-442/08-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда и/ч. дав.бел. 17 M 6431 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 6 511 232 сўм. Аукцион савдолари 2010 йилнинг 2 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 21 сентябрь куни бўлиб ўтади.

**2010 йил 17 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:** 1.Тошкент тумани СИБ томонидан 09.12.2009 йилдаги № 15007-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Кўктерак матлубот инвест» омборхонасида сақланаётган и/ч йили номаълум дав.бел. X 464 NVM, бўлган «ГАЗ-33021» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 5 699 479 сўм.

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2. Тошкент тумани СИБ томонидан 11.03.2010 йилдаги № 1397-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамсиддин Раҳмон Бизнес» омборхонасида сақланаётган 1972 йилда и/ч. дав.бел. 11 Q 01-62 бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 876 789 сўм. 3.16.12.2009 йилдаги № 3647-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Кўктерак матлубот инвест» омборхонасида сақланаётган 1988 йилда и/ч дав.бел.11 P 1935 бўлган «Уаз-31512» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 720 000 сўм, 4. 1. 12.03.2010 йилдаги № 5-166-сон ижро варақасига асосан 1974 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 11 U 08-03 бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 819 000 сўм, 5. 05.04.2010 йилдаги № 939-сон ижро варақасига асосан и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган «УАЗ-469» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 727 217 сўм. 6. 04.11.2009 йилдаги № 1-362-сон ижро варақасига асосан 1990 йилда и/ч. дав.бел. X 269 ASN бўлган «КаМАЗ 5410» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 931 249 сўм. 7. 02.04.2010 йилдаги № 928-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамсиддин Раҳмон Бизнес» омборхонасида сақланаётган 1993 йилда и/ч. дав.бел. S 466 EFM бўлган «Даевоо-Эсперо» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 5 669 915 сўм.

1.Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 30.11.2009 йилдаги № 6-1004-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар Сергели тумани Массон кўчаси 2-сонли автоулов сақлаш майдончасида сақланаётган 1994 йилда и/ч. дав.бел. 01 W 046 AA бўлган «Газ 3102» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 2 021 816 сўм. 1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 05.11.2007 йилдаги № 1-665-сон ижро варақасига асосан «Жарариқ» жарима майдончасида сақланаётган 1992 йилда ишлаб чиқарилган дав.-бел. X 320 ONM бўлган «БМВ» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 11 661 222 сўм. 2. 25.12.2009 йилдаги № 1-1159-2009-сон ижро варақасига асосан Шайхонтоҳур тумани судининг ҳовлисида сақланаётган 1999 йилда и/ч. дав.бел. 01 W 399 AA бўлган «Тико» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бош. нархи – 7 148 456 сўм. 3.16.07.2007 йилдаги № 5296/15-сон ижро ҳужжатига асосан «Жарариқ» жарима майдончасида сақланаётган 1992 йилда и/ч дав.бел. 30 V 7721 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бош. нархи – 2 486 519 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: DB 001 №000003


---

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур**

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**Ҳушёрлик омон сақлар**
**ўзингни.**

* * *

**Меҳнатли мол бўлар**
**кишига ҳалол.**

* * *

**Ботир сўзин билиб сўзлар.**

* * *

**Ички сиринг душманингга**
**билдирма.**

* * *

**Ҳар ерда гапингни**
**топиб сўзлагин.**

* * *

**Фарзандли уй доим бўлар**
**лолазор.**

* * *

**Ботир кишининг бордир**
**номуси, ори,**
**Тўғри кишининг кўнглида**
**йўқ ғубори.**

* * *

**Фарзанд деган нарса юракнинг мойидан бўлади, кишининг худди меҳрли жойидан бўлади.**

* * *

**Мард қадрини мардлар билар.**

* * *

**Йўқдир илмнинг поёни.**

* * *

**Марднинг келади даврони.**

* * *

**Тўғри эгилади, асло синмас.**

* * *

**Мардлар мардлигини қилар,**
**Элининг қадрини билар.**

* * *

**Рост йўлга юрганлар**
**мақсадга етар.**

* * *

**Тўғри кишининг асло**
**бўлмас душмани.**

* * *

**Ўғил-қиз отага жону**
**дил бўлар.**

* * *

**Ақлинг бўлса, нодон билан**
**ўтириб тургувчи бўлма.**

* * *

**Ёмон берса насиҳатни,**
**қулоққа олгувчи бўлма,**
**Ақлли берса насиҳатни,**
**гапидан қочгувчи бўлма.**

* * *

**Ошиқ бўлсанг, ҳаргиз**
**ғафлат қилмагин,**
**Ошиқлик йўлини осон**
**билмагин.**

* * *

**Ёмон кунда душман кўзи**
**бойлансин.**

* * *

**Яхши яхшини ёр қилар, ёмон**
**қўлига тушса хор қилар.**

**(«Маҳобҳорат» достонидан)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3840 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 606

Топширилган вақти: 13.50